

Япониянинг “Мацумае Интернационал” жамғармаси

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг 2022-йил 22-февралдаги №08/5798 хатига кўра, Япониянинг “Мацумае Интернационал” жамғармаси томонидан ёълон қилинган Японияда табиий, муҳандислик ва техник фанлар, шунингдек тиббиёт соҳаларида илмий тадқиқотлар олиб бориш ва малака ошириш дастури тўғрисидаги маълумот беради. Мазкур дастур 2023-йил апрел ойидан 2024-йил март ойигача амалга оширилади. Шунингдек, ажратилаётган стипендия авиачипта (бориш ва келиш) ва тиббий суғурта харажатларини ўз ичига олади. Япония томонининг маълумотига кўра, ушбу танловда 49 ёшдан ошмаган, фан номзоди (ПхД ёки унга тенглаштирилган) даражасига ега, инглиз ёки япон тилларини яхши биладиган вакил тавсия этилиши керак. Номзодалар республика ОТМлари ўқитувчилари, илмий ходимлари, докторантлари қаторидан танлаб олиниши мумкин. Ҳужжат топширишнинг охириги муддати - 2022-йил 20-июн. Танлов натижалари 2022-йил декабр ойи охирида ёълон қилинади. Номзодлар барча керакли ҳужжатларни мустақил равишда application@mifjapan.org электрон почта манзилига юбориши лозим. Ушбу дастур ҳақида батафсил маълумот, шартлари ва зарур ҳужжатлар рўйхати илова қилинмоқда. Шунингдек, мазкур дастур тўғрисидаги қўшимча маълумот билан Япониянинг “Мацумае Интернационал” жамғармасининг <http://www.mars.dti.ne.jp/mif/> расмий веб-сайтида танишиш мумкин.